

Хатмга ўтадиган қорилар суҳбатдан ўтказилди



13:50 / 28.02.2024 2268

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин Холиқназар ҳазратлари ташаббуси билан муборак Рамазон ойидаги хатми Қуръон тадбирларида иштирок этадиган қориларни суҳбатдан ўтказиш анъанаси йўлга қўйилди.

Ушбу анъанани давом эттириш мақсадида 2024/1445 йил Рамазон ойида Республикамиздаги хатми Қуръон тадбирларида иштирок этадиган қориларни саралаш учун суҳбатлар ташкил қилинди.

Жумладан, бугун 2024 йил 28 февраль куни Тошкент шаҳридаги

масжидларда хатмга ўтадиган қорилар суҳбатдан ўтказилди.

Ўзбекистон муслмонлари идораси «Қуръон ва тажвидни ўргатиш» бўлими мудир шайх Алижон қори бошчилигидаги устозлар мазкур қориларнинг тайёргарлигини текшириб, уларга керакли тавсияларни бердилар.



